

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

“МУҲАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ” ФАКУЛТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ

Ҳимояга руҳсат этилди
факултет декани:

“ _____ ” _____ 2012 йил

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” таълим йўналиши бўйича битирувчи

Олтмишбоева Шахнозанинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илимий раҳбар:

Ҳақимов М

Наманган 2012

МАВЗУ: Диверсификация ва уни банк фаолиятида куллаш

МУНДАРИЖА

Кириш.....	
I-боб. Диверсификация ва уни банк фаолиятида куллашнинг назарий асослари.....	
I.1. Диверсификация сўзининг моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги.....	
I.2. Банк фаолиятида диверсификациянинг мақсади, вазифалари ва роли.....	
I.3. Банкларда диверсификациялашда Базел I ва Базел II дан фойдаланиш.....	
II-боб. Тижорат банклари фаолиятида диверсификацияни қўллаш таҳлили.....	
II.1. Банк фаолиятида капитални диверсификациялаш таҳлили.....	
II.2. Банк маҳсулотлари ва хизматларини диверсификацияси таҳлили.....	
II.3. Тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш ҳолати.....	
III-боб. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тижорат банкларида диверсификацияни такомиллаштириш.....	
III.1. Банкларда диверсификацияни куллаш имкониятларини кенгайтириш.....	
III.2. Банклар фаолиятини янада эркинлаштиришда диверсификацияни тутган ўрнини янада такомиллаштириш.....	
Хулова ва таклифлар.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тижорат банклари кредит сиёсатиغا, уларнинг кредит портфели сифатиغا, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Чунки кредит сиёсатининг тўғри ташкил қилиниши банкларнинг самарали фаолият кўрсатаётганидан далолат беради. Кредит операцияларини олиб боришда йўл кўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш, уни оқилона бошқариш кредит хатарларини камайтиришга асос бўлиши мумкин. Кредит портфели сифатини доимий назорат қилиб бориш тижорат банклари фаолияти самарадорлигини ошириш гаровидир. Уларнинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит хатарларини камайтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек, «бюджет-молия ва пулкредит сиёсатини такомиллаштириш, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг долзарб вазифаси» ҳисобланади¹.

Банк мураккаб ва мунтазам ўзгариб турадиган иқтисодий шароитларда, аввало ҳеч қачон дуч келинмаган ёки тўлиқ ҳал этилмаган, масалан, хатар концепциясини ишлаб чиқиш ва ссудалар бўйича эҳтимолий зарарларни кўра билиш, кредитлар жамланиши ҳисобини юритиш ва иқтисодий шароитнинг қарздорлар даромадларига қанчалик таъсир кўрсатишини аниқлаш вазифаси кўндаланг турганида кредит сиёсатининг ўрни айниқса муҳимдир. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш фойда олиш ва самарали иш юритиш ҳолати сақланган ҳолда, бозор эҳтиёжлари қондириладиган энг юқори хатар даражасини аниқланишини тақозо этади.

¹ Каримов И.А. Асосий вазифамиз - Ватанимиз таравдиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш-дир. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. -Б. 56.

Ҳар қандай кредит сиёсатининг мақсади узок муддатли инвестициялардан акциядорларга юқори даромад келишини таъминлаш, ликвидликни саклаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, сиёсат ва тадбирлар бирлигини кафолатлаш, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, худуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Юқорида баён этилган ҳолатлар диверсификация ва уни банк фаолиятида қўллаш маъсулиятли мавқега эга эканлигидан далолат беради. Шу боисдан улар фаолиятини тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дивиденд сиёсати ва уни банк капиталида тутга ўрнининг назарий асослари хорижлик иқтисодчи олимлар - Л.Красавина, М.Ершов, О.Лаврушин, П.Самуэльсон, Р.Дорнбуш, Р.Манделл, Р.Маккиннон каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Дивиденд сиёсати ва уни банк капиталида тутга ўрнининг айрим назарий ва амалий жихатлари А.Вахабов, Ш.Абдуллаева, А.Қодиров, Н.Жумаев, Т.Қоралиев, З.Холмахмадов, О.Намозов, Т.Бобақуловларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган. Шундан келиб чиқиб, битирув малакавий ишида таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Диверсификация ва уни банк фаолиятида қўллашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг вазифалари қуйидагилар:

- диверсификациянинг сўзининг моҳияти, аҳамияти ва зарурлигини ёритиб бериш;
- банк фаолиятида диверсификациянинг мақсади, вазифалари ва ролини аниқлаш;
- банкларда диверсификациялашда Базел I ва Базел II дан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш;

- банк фаолиятида капитални диверсификациялаш ҳолатини таҳлил қилиш;
- банк маҳсулотлари ва хизматларини диверсификацияси таҳлил қилиш;
- тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш ҳолатини таҳлил қилиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тижорат банкларида диверсификацияни такомиллаштириш масалаларини ўрганиш ва амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Малакавий ишининг объекти – Ўзбекистон Республикаси Агробанки ҳисобланади.

Ишнинг предмети – диверсификация ва уни банк фаолиятида қўллашда юзага келадиган муносабатлар ҳисобланади.

Ишнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси банклари фаолиятида, яъни диверсификация ва уни банк фаолиятида қўллашни такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Малакавий иш материалларидан олий ўқув юртлари, коллежларда «Банк иши», «Пул, кредит ва банклар» ва бошқа банк билан боғлиқ фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Малакавий иш таркибан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммони ўрганилгалик даражаси, мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти, ишнинг амалий аҳамияти ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида, диверсификация ва уни банк фаолиятида қўллашнинг назарий асослари ёритиб берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида банк фаолиятида капитални, банк маҳсулотлари ва хизматларини, тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш ҳолати АТ Агробанк мисолида таҳлил қилиб берилган.

Малакавий ишнинг учинчи бобида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тижорат банкларида диверсификацияни такомиллаштириш ёритилиб, якунида хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

I-боб. Диверсификация ва уни банк фаолиятида

қўллашнинг назарий асослари

I.1. Диверсификация сўзининг моҳияти, аҳамияти ва зарурлиги

Маълумки, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда тижорат банкларининг кредит сиёсати, уларнинг кредит портфели ва унинг сифати, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилди. Чунки кредит портфелининг тўғри ташкил қилиниши банкларнинг самарали фаолият юритаётганидан далolat беради. Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда эса, синиб кетишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чорасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларининг мустақиллигини ошириш, банклар ҳамда уларнинг мижозлари ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини шакллантириш, банк активлари шу жумладан, кредит портфелини шакллантириш билан боғлиқ хатарларни бошқариш каби вазифаларни тижорат банки раҳбарияти зиммасига юклаш ва унинг ваколатига киритиш таъкидлаб ўтилган. Бундан кўриниб турибдики, банклар кредит портфелининг самарали бошқарилиши, авваламбор, банк раҳбарига, ҳамда унинг ходимларига боғлиқдир.

Жаҳон банки мутахассислари янги мустақилликни қўлга киритган собиқ Иттифоққа кирувчи республикалар банк тизими ривожланишига назар ташлаб, мустақилликнинг биринчи йилларидаёқ МДХ давлатларининг банк тизими ўзининг ривожланишида икки асосий муаммо билан тўқнашиши мумкинлигини таъкидлашган эди. Бу муаммолардан бири, мустақил давлатларда ташкил қилинган янги банкларнинг ликвидлилиги муаммоси бўлса, иккинчиси, банкларнинг активлар портфели муаммосидир .

Тижорат банклари фаолиятининг ноликвидлиги уларнинг тўловга лаёқатлилигини қийинлаштиради ва банкларнинг узок муддатли кредитлар бериш имкониятини пасайтиради. Бу ўз навбатида, хўжалик ташкилотларининг фаолиятини мураккаблаштиради ва ишлаб чиқаришнинг пасайиб кетишига олиб келади. Иқтисодий беқарорлик шароитида банклар жуда юқори хатар билан ишлайдилар. Масалан, муаммоли кредитларнинг юзага келиши, мижозлар молиявий аҳволининг ёмонлиги, уларнинг тўловга лаёқатсизлиги, кредитлар бўйича ишончли таъминотнинг мавжуд эмаслиги, банк хатарларини ўз вақтида англаб, чоралар кўриш борасида банк раҳбари ва кредит бўлими ходимларининг етарли даражада эътиборли ҳамда тезкор эмасликлари ва бошқалар кўпгина банкларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин.

Шу боис, тижорат банклари кредит портфелини бошқаришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши, банк фаолиятида юзага келувчи хатарларни бошқаришда муҳим аҳамият касб этиши мумкин. Булар:

- кредит хатари даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолаш;
- ссудаларни хатар гуруҳлари бўйича таснифлаш;
- кредит портфелини кредит хатарлари, мижозлар таркиби ва ссудалар таркиби бўйича маъқуллаштириш (оптималлаштириш);
- кредит хатарини прогноз қилиш мақсадида қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволи, ўзгариши эҳтимолини аниқлаш;
- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш;
- яратилаётган захиранинг етарлилигини баҳолаш ва уни ўз вақтида таъминлаб бориш;
- кредит қўйилмаларини диверсификация қилиш, уларнинг ликвидлигини ва даромадлилигини таъминлаш;

- банкнинг кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни кредит портфелининг сифатли таҳлилига асосланган ҳолда юритишдан иборат.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифалар орасида кредитларни диверсификациялаш хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Кредит портфелини бошқаришда диверсификациялашнинг аҳамияти нимадан иборат, деган табиий савол туғилади.

Диверсификация сўзи, лотинча сўз бўлиб, *diversus*- ҳар хил ва *facere*- қилмоқ, яъни ҳарҳиллаштириш деган маънони англатади .

Мавжуд адабиётларни таҳлил қиладиган бўлсак, кўпчилик муаллифлар диверсификация сўзини ўзларига хос, турлича талқин қилишган.

Масалан, В.Коноплицкий ва А.Филиналар "Диверсификация - бу фирманинг асосий фаолиятдан ташқари янги фаолият турини ўзлаштириш борасида олиб борадиган янги маркетинг стратегиясидир", деб таъриф беришган. Уларнинг берган таърифи фирмалар фаолиятини бошқаришда уларнинг бозордаги ўзгаришларга: конъюнктура ўзгариши, янги техника ва технология, фан ютуқларини жорий қилиш жараёнларини инобатга олган ҳолда, фаолият юритиши лозимлиги таъкидланади.

Америкалик иқтисодчи Ф.С.Мишкин эса, "Диверсификация - бу бирдан ортиқ активга эга бўлишдир" деб, қисқача таъриф берган. Бу таъриф, асл моҳияти жиҳатидан бошқа муаллифларнинг фикрларига нисбатан ортиқроқ бўлсада, унинг мазмунмоҳиятини чеклаган ҳолда, бир томонлама ифодалайди. Махсус адабиётларда диверсификация сўзи хатарни камайтириш мақсадида олиб борилаётган фаолиятни босқичмабосқич, майда бўлақларга бўлиб олиб бориш, таҳлил қилиш деган маънони билдиради, каби хулосаларни учратиш мумкин. Шу жиҳатдан профессор Л.Лопатников томонидан берилган таъриф диверсификация тушунчасини кенгроқ очиб беришга қаратилган дейиш мумкин. Унинг фикрича, диверсификация - бу инвестиция ва бошқа ресурсларни турли хил товарлар ишлаб чиқариш ва ҳар

хил хизматлар кўрсатувчи йўналишларга тақсимлаш орқали корхонанинг хатарини камайтириш стратегиясидир.

Диверсификация – (лотинчадан *diversus*- ҳар хил ва *facere*-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Диверсификациянинг моҳиятини очиб беришда иқтисодчи М.В.Мишкевич томонидан келтирилган таъриф Л.Лопатниковнинг фикрига мое келмаслиги билан ажралиб туради. Унинг фикрича, диверсификация - бу корхонани қайта ихтисослаштириш, ишлаб чиқаришга мослаштиришдан иборат, деб таърифланади.

Диверсификация сўзини фақат корхона, фирмалар фаолияти билан боғлиқ деб тасаввур қилиш ва ифодалаш бу сўзнинг моҳиятини очишда маълум бир чегараланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда, -деб таъкидлайди иқтисодчи олимларимиз. Республикамиз иқтисодчи олимларининг фикрича, диверсификация усули нафақат фирмалар фаолиятида, балки иқтисодиётнинг барча соҳаларида, барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар фаолияти давомида, улар фаолиятида мавжуд хатарларни камайтириб, маълум самарадорлик ва юқори даромад олишни таъминлаш усули сифатида қўлланилиши мумкин.

I.2. Банк фаолиятида диверсификациянинг мақсади, вазифалари ва роли

Банкларда маҳсулот янгиликлари, яъни янги маҳсулотларнинг яратилиши ва ўзлаштирилиши диверсификация шаклида амалга оширилиши мумкин. Масалан, маҳсулот дифференциацияси ўзлаштирилган бозорга банкнинг маҳсулот дастурида мавжуд маҳсулотлар асосида ишлаб чиқилган

янги маҳсулотларнинг чиқарилишини таҳлил қилади. Бунга, бир томондан, истеъмолчилар орасида эҳтиёжлар дифференциациясининг чуқурлашуви, бошқа томондан эса, ҳуқуқий актлар (масалан, ҳар хил бозорларда, айниқса чет эл бозорларидаги турли хил талаблар) сабаб бўлиши мумкин.

Банклар фаолиятида диверсификациялашдан фойдаланиш, асосан банкнинг кредит операцияларида қўл келиши мумкин.

Банкнинг кредит портфелини диверсификация қилиш йўли билан кредит портфелини бошқариш банкнинг стратегик режалаштириш жараёни билан узлуксиз боғлиқ.

Диверсификациянинг муҳим хусусиятлари шундаки:

Биринчидан, диверсификация ҳамма вақт хатарни ёқтирмайдиган банкларга қулайдир, чунки у хатарни камайтиради;

Иккинчидан, турли хил кредит бўйича фойда ҳаракати қанча кам мое келса, хатарни камайтириш ҳисобига диверсификациядан шунча кўп наф кўриш мумкин.

Диверсификацияланган портфел - бу хатар жиҳатидан бирбирига боғлиқ бўлмаган кичик кредитлар тўпламини ўзида мужассамлаштиради.

Масалан, тижорат банкининг кредит портфели 3 та бир хил товар ишлаб чиқарувчи ташкилотга берилган кредитлардан ташкил топган бўлса, буни яхши диверсификацияланган кредит портфели деб бўлмайди. Чунки, бу портфелда кредитлар сони йирик ҳамда бу корхоналарга берилган кредитлар бўйича хатарлар, уларнинг бирбирига алоқадор бўлиб, улар оладиган фойда ишлаб чиқарган маҳсулотининг қийматига боғлиқ бўлади.

Агар кредит портфели бирбири билан алоқадор бўлмаган бир нечта соҳага йўналтирилган турли хил кредитлардан ташкил топган бўлса, бу портфелни яхши диверсификацияланган портфел дейишимиз мумкин. Демак, диверсификация талаб даражасида бўлиши учун қуйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- портфел кўп сонли, нисбатан майда кредитлардан ташкил топиши;
- кредитлар хатар жиҳатидан бирбирига боғлиқ бўлмаслиги зарур.

Халқаро банк амалиёти шуни кўрсатадики, 80-йилларда кўпгина хорижий банклар ўз кредитларининг асосий қисмини нефт саноатини кредитлашга йўналтирганлар. Шу йилларда нефт баҳосининг тушиб кетиши натижасида кўпчилик нефт компанияларининг ўз кредитларини тўлай олмаганлиги банкларни банкротликка олиб келган. Кредит портфелини диверсификация қилиб борган банклар эса нефтни кредитлаш бўйича курган зарарларини бошқа соҳадан олган фойдаси ҳисобидан қоплашган.

Бундан, шундай хулосага келиш мумкинки, кредит портфелини диверсификациялаш орқали банкнинг баъзи бир мижозларидан курган зарарларини бошқа мижозлар даромади ҳисобидан қоплаш мумкин экан, у ҳолда, диверсификация сиёсатининг қўлланилмаслиги муаммоли кредитларнинг муаммоли банкларга айланишига олиб келиши мумкин.

Диверсификация стратегияси – банк фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси банкларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали банкларни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – банкларда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма банклар тузиш, бошқа банкларни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

Диверсификация деганда банкнинг сотиш дастурини янгилаш тушунилади.

— банк ишлаб чиқариштехнологик, таъминлаш ва сотиш жиҳатидан эски маҳсулотга боғлиқ бўлган, лекин янги истеъмолчилар ёки бозорлар учун мўлжалланган (горизонтал диверсификация) маҳсулотларни ўзлаштиради;

— банк эски маҳсулотларни такомиллаштириб илгариги истеъмолчилар ва бозорларга таклиф этади (вертикал, диверсификация);

Диверсификация йўналишлари

Маҳсулот \ Бозор	Мавжуд бозор	Ўхшаш бозор	Янги бозор
Мавжуд маҳсулот			Горизонтал диверсификация
Ўхшаш маҳсулот			
Янги маҳсулот	Вертикал диверсификация		Латерал диверсификация

— корхона умуман янги бўлган техник ва бозор муносабатлари жиҳатдан аввалги маҳсулотлар билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган маҳсулотларни ўзлаштиради (латерал диверсификация).

Диверсификация банк дастурининг мақсадли кенгайтирилиши деб қаралиши у сотиш хавф-хатарларини ва аввалги бозорлар, истеъмолчилар ёки маҳсулотларга боғлиқликни камайтиришга имкон беради. Диверсификация ҳақида қарор қабул қилинганда банк қуйидаги йўналишлардан бири бўйича бориши мумкин:

- янги маҳсулотни ишлаб чиқиш (ўз ишланмаси ёки ишланмага буюртма бериш);
- маҳсулот ёки технологияга лицензия олиш;
- корхонани сотиб олиш;
- кооперация (маҳсулотлар алмашиш ёки қўшма корхона ташкил этиш).

Горизонтал диверсификация — илгари ишлаб чиқарилган маҳсулот хилига технологик алоқаси бўлмаган янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Жамланма (концентрик) диверсификация — банк техникавий ёки бозор нуқтаи назаридан банкнинг илгариги товарларига ўхшаш янги маҳсулотни ишлаб чиқаришдан иборат.

1.3. Банкларда диверсификациялашда Базел I ва Базел II дан фойдаланиш

Тижорат банклари капиталининг етарлилигини аниқлашда хатарли активлар микдорининг амалиётга жорий этилиши биринчи марта Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Унга кўра, тижорат банкларининг активлари тўртта, яъни: 0 фоиз, 20 фоиз, 50 фоиз ва 100 фоиз хатар даражаларига ажратилади. Тижорат банклари умумий капиталининг етарлилиги даражаси - 0,08, асосий капиталининг етарлилик даражаси эса 0,04 микдорида белгиланган.

Шуниси характерлики, республикамиз Марказий банки томоидан ишлаб чиқилган хатарли банк активлари услубиети билан халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услубиёт ўртасида жиддий фарқлар мавжуд эмас. Масалан, Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган услубиётда банкларнинг хатарсиз, яъни 0 фоиз хатарга эга бўлган активлари таркибига 6 та актив киритилган:

- а) банкнинг айланма кассасидаги нақд пуллар;
- б) банкнинг Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисобварағининг қолдиғи;
- в) ҳукумат ва Марказий банк томонидан 90 кунгача муддатга чиқарилган қимматли қоғозлар;
- г) иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ташкилотига аъзо бўлган мамлакатларнинг ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар;
- д) иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш ташкилотига аъзо бўлган мамлакагларнинг ҳукуматлари ва Марказий банкларига нисбатан талаблар ва бу давлатларнинг нақд валюталари билан таъминланган активлар;
- е) Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар.

Республикамиз Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган услубиётда Базел услубиётидан фарқланувчи икки жиҳат мавжуд:

1. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари хатар даражасига кўра фарқланмаган.

Фикримизча, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари хатар даражасига кўра фарқланиши лозим. Чунки, ҳукуматнинг узоқ муддатли қимматли қоғозларида даромадлиликнинг пасайиш хатари доимо сақланиб қолади,

2. Марказий банкда қайта ҳисобга олинадиган тратталар ўз аксини топмаган.

Бошқа хатар тоифалари бўйича сезиларли фарқлар мавжуд эмас.

Халқаро Базел андозалари амалиётга жорий қилингунга қадар халқаро банк амалиётида банк капиталининг етарлилигини аниқлашда ҳар хил услубиётлардан фойдаланиб келинди. Масалан, АҚШда банк капиталининг етарлилиги банк томонидан жалб қилинган депозит маблағларга нисбатан ўрнатилган бўлиб, унга кўра, банк капитали жами депозит маблағларининг 10 фоизини ташкил этиши лозим эди.

Албатта, Халқаро Базел кўмитаси томонидан банк капитали етарлилигини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган андозалари жаҳон банк амалиётида оламшумул воқеликка сабаб бўлди, шу билан бирга ушбу андозалар айрим камчиликлардан ҳам холи эмаслиги амалиётда ўз ифодасини топди. Ушбу ҳолат биринчи марта Америка Қўшма Штатлари, сўнгра Россия иқтисодчи олимлари томонидан кенг эътироф этилди.

Базел андозаларида банк капиталининг етарлилигини аниқлашда, биринчидан, барча мамлакатлар учун ягона кредит хатарини ўрнатилганлиги, иккинчидан, банк фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган бозор ва фоиз хатарларини инobatга олинмаганлиги, учинчидан, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг банклари учун ягона ендашувнинг жорий этилганлиги ва бошқа шу каби камчиликлар танқид остига олинди.

Натижада, Базел қўмитаси 1998 йилдан бошлаб банк капитали етарлилигини аниқлаш бўйича янги андозаларни ишлаб чиқишга киришди. Ушбу андозалар Базел II сифатида халқаро банк амалиётига кириб келди. Халқаро банк жамоатчилигининг таклиф ва фикрлари асосида ушбу андозаларнинг якуний варианты яратилиб, банк амалиётида қўлланилиши мўлжалланган.

Базел II-да банк капитали етарлилигини аниқлашнинг учта йўналишдаги янги андозалари жорий қилиниши кўзда тутилган:

биринчидан, банк капитали етарлилигини аниқлашнинг янги услубиёти жорий этилади, яъни банкнинг хатарга тортилган активлари таркибида бозор хатари ва фоиз хатарлари инобатга олинади. Кредит хатарлари бўйича амалиётда жорий этиб келинаётган ягона ёндашувга барҳам берилади;

иккинчидан, тижорат банклари капитали етарлиликка ўрнатилган талабларнинг юқори даражада бажарилишига эришиш талаб этилади. Ушбу ҳолат тартибга солиш органлари, Марказий банкларнинг назорат органлари томонидан амалга оширилади. Хусусан, Халқаро Базел қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган янги андозада тижорат банклари капиталининг етарлиликка нисбатан янги, 12 фоизли талабни жорий этиш кўзда тутилган. Бундан асосий мақсад, миллий банк тизимининг тўловга қобиллигини мустаҳкамлаш, уларнинг инқирозга учрашининг олдини олиш, аҳолининг ва инвесторларнинг банк тизимида бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдан иборат;

учинчидан, тижорат банклари акциядорлари ва инвесторларига банкнинг молиявий ҳолати юзасидан маълумотларни олишга имкон яратиш ва улар юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазаларни инобатга олиш лозим. Шунга кўра, банк акциядорлари ва инвесторларига банк капитали юзасидан корпоратив бошқарувга кенг ўрин берилади.

Республикамиз тижорат банкларида хатарга тортилган активлар таркибида хатарсиз активлар салмоғининг юқорилиги, улар томонидан хатарга тортилган активларни бошқаришга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашилаётганлигидан далолат беради. Фикримизча, тижорат банкларининг даромад келтирадиган активлари салмоғини оширишга эътибор қаратиш лозим. Чунки, тижорат банкларининг даромад келтирадиган активлари миқдорининг ўсиб бориши банк фойдасини ошириш имкониятини бериш билан бирга, улар капитали миқдорини кўпайтиришни талаб этади. Демак, банк капиталининг етарлилик миқдори, банк актиеларининг сифати ва миқдорига бевосита боғлиқ бўлиб, тижорат банклари капиталнинг энг кам миқдорига эга бўлгани ҳолда, юқори фойда олишга интилиши табиий ҳолат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг жами капиталига нисбатан 10 фоиз миқдорида минимал етарлилик талаби белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу талабнинг бузилишига йўл қўймаслик, банк капиталини бошқаришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банклари умумий капиталининг етарлилигига қўйилган талабнинг бажарилишини ўтган йиллардаги таҳлили натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, республикамиз банкларининг асосий қисмида бу талаб юқори даражада бажарилган. Иккинчидан, айрим тижорат банкларида бу кўрсаткичнинг минимал даражаси атрофида бажариш ҳоллари юз берган.

Республикамиз тижорат банклари умумий капиталининг етарлилиги 2010 йилда 24 фоизни ташкил қилиб, қўйилган талаб юқори даражада таъминланган. Бунинг боиси шундаки, банкларнинг умумий активлари таркибида юқори хатарли активлар салмоғининг нисбатан кичиклигидир. Бу тижорат банкларининг актив операцияларидан келадиган фойда миқдорининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Тижорат банклари фойдасининг

камайиши ҳамда иккиламчи молия бозорида уларнинг қимматли қоғозлари олдисотди қилинмаслиги банк капитали таркибида эмиссион даромадларнинг вужудга келмаслигига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганимизда:

Халқаро Базел қўмитаси томонидан хатарни активларга белгиланган талаб даражаси ва унинг банк амалиётида қўлланилиши ўз самарасини беришига шубҳа йўқ. Шу билан бирга, ўтиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакатларнинг банк тизимида ушбу андозаларни шундайлигича тўлиқ қўллаш мақсадга мувофиқ эмас;

- тижорат банкларида банк капитали етарлилигига ўрнатилган талабни таъминлаган қолда уларнинг хатарли активлари салмоғини оширишга эришиш лозим;

- республикамиз тижорат банкларининг хатарли активларини бошқариш амалиётини алоҳида эътироф этиш, шу билан бирга хатарсиз активлар салмоғини камайтириш ҳисобига банк фойдасини оширишга эътибор қаратиш зарур;

- тижорат банкларининг иккиламчи қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини жонлаштириш ҳисобига банк капитали таркибида эмиссион даромадлар манбаини шакллантиришга эришиш керак.

Юқорида қайд этилган тавсияларни тижорат банклари томонидан эътиборга олиниши, улар капиталини самарали бошқаришда хатарга тортилган банк активларининг аҳамиятини янада оширади, деб ҳисоблаймиз.

II-боб. Тижорат банклари фаолиятида диверсификацияни

қўллаш таҳлили

II.1. Банк фаолиятида капитални диверсификациялаш таҳлили

Банк ресурслари - бу, банклар ихтиёрида бўлган ва улар томонидан кредитлаш ҳамда бошқа актив операцияларни амалга оширишга мўлжалланган маблағ-лар йиғиндисидир.' Ўз навбатида, банк ресурслари ўз маблағи ва жалб қилинган маблағларга бўлинади. Тижорат банкларининг ўз ресурслари сифатида биринчи навбатда, акциядорлик ва захира капитали ҳамда уставларига мувофиқ, фойдадан ажратмалар шаклида ташкил этиладиган махсус фондлар майдонга чиқади.

Тижорат банкларининг ўз маблағларига, унинг фаолиятидаги молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳосил қилинадиган турли фондлар ҳамда ўтган ва жорий йил фаолиятидан олинган, тақсимланмаган фойда киради,

Тижорат банкларининг ўз маблағлари таркибида банк капитали катта аҳамият касб этади. Банк ўз маблағларининг хусусиятли томони шундаки, банк ресурсларида уларнинг салмоғи кичик бўлишига қарамасдан, қуйидаги зарур функцияларни бажарадилар:

биринчидан, банкни банкрот бўлишдан ҳимоялайди, яъни банк бошқарувчилари юзага келган муаммоларни ҳал қилгунларига қадар жорий харажатларни қоплаш манбаи бўлиб хизмат қилади;

иккинчидан, депозитларни етарли миқдорда жалб қилгунга қадар банкни ташкил қилиш ва фаолиятини бошлаш учун зарур маблағ билан таъминлайди;

учинчидан, банкнинг ўз маблағлари мижозларни банкка бўлган ишончини оширади;

тўртинчидан, банкнинг ўз маблағлари банк ривожланиши ва янги банк хизматларини жорий қилиш учун дастурлар таъминоти ҳамда зарур маблағлар билан таъминлайди;

бешинчидан, банкнинг ўз маблағлари банк ривожланишининг молиявий асоси бўлиб хизмат қилади, яъни тижорат банкларини назорат қилувчи муассасалар банкнинг ўз маблағлари салмоғини улар томонидан жалб қилинаётган депозитлар ва тармоқларга ажратилаётган кредитлар ҳажмига мое равишда ўзгаришини талаб қилишади. Ушбу талабдан келиб чиқиб, ҳар бир тижорат банкининг фаолияти кенгайиб боргани сари, жами сармоялардаги унинг ўз маблағлари салмоғи ҳам ошиб бориши лозим. Банкда ўз маблағлари ҳолатини тартибга солиш орқали, фаолияти мобайнида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш имконияти туғилади.

1-жадвал маълумотлари асосида акциядорлик тижорат «Агробанк» ининг пассивлари таркибида ўз маблағлари салмоғини "кўриб чиқамиз.

1-жадвал

АТ «Агробанк»ининг пассивлари таркиби ва уларнинг таҳлили (млн. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил
	Жами мажбуриятлар:	100	100	100
1.	Талаб қилиб олингунча депозитлар	21,8	46,9	10,7
2.	Жамғарма депозитлар	2,3	3,5	2,3
3.	Муддатли депозитлар	3,6	3,8	4,9
4.	Ссудалар	37,6	21,1	15,2
5.	Бошқа мажбуриятлар	34,7	24,7	66,9
	Жами капитал:	100	100	100
6.	Устав капитал	39,1	27,8	25,0
7.	Захира фонди	28,1	38,7	41,6
8.	Таксммланмаган фойда	32,8	33,5	33,4

Манбаа: <http://www.agrobank.uz> (АТ Агробанк сайти)

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, "Агробанк"ининг жами пассивлари таркибида капиталнинг улуши 2008 йилда 22,3 фоиз, 2009 йилда 15,8 фоиз, 2010 йилда эса 13,1 фоизни ташкил этган. Ўз навбатида, жами мажбуриятлар эса тегишли равишда 77,7, 84,2 ва 86,9 фоизларни ташкил қилган.

Умуман олганда, юқоридаги жадвал маълумотларига асосланганидан бўлсак, банкнинг ўз маблағлари 2008 ва 2010 йиллар мобайнида кескин ўсган ва ушбу 79,8 фоизни ташкил этди.

Банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари ўртасидаги нисбатни биз 2-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Кўрсаткичлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Жами мажбуриятлар	77,7	84,2	86,9
Жами капитал	22,3	15,8	13,1
Жами пасивлар	100	100	100

Манбаа: <http://www.agrobank.uz> (АТ Агробанк сайти)

Келтирилган жадвал маълумотлари банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари ўртасидаги нисбат ўзгарганлигини кўрсатмоқда. Яъни, таҳлил этилаётган давр мобайнида банкнинг ўз маблағлари солиштирма оғирлиги 22,3 фоиздан 13,1 фоизгача пасайган.

Шу билан бирга, банк пасивлари таркибида катта ўзгаришлар рўй берган. Шунингдек, ўтган уч йил мобайнида банк капитали 1,8 маротаба ошганлиги банк учун муҳим аҳамият касб этади. Капитал таркибида рўй берган бундай ижобий ўзгаришларнинг асосий сабаби, банк мавжуд ресурслардан унумли фойдаланганлиги натижасида олинган даромаднинг устав капитални ўстиришга йўналтирилганлигидадир.

2-жадвал

АТ «Агробанк» акциядорлик капиталининг ўзгариш динамикаси таҳлили

4(млн. сўм)

№	Категориялар	01.01.2009	01.01.2010	01.01.2011
1.	Жами акциядорлик капиталининг ўтган йилги қиймати	17 996.6	25 597.5	35 907.4
2.	Йил бошидан ҳисобот ҳолатига соф фойда (зарар)	7 759.1	9 527.2	10 687.4
3.	Жорий йилда сотилган акциялар	1 538.8	0	1 504.4

4.	Жорий йилда бошланғич кийматига нисбатан ўзгариш	-7.1	2 709.2	552.1
5.	Имтиёзли акцияларга эълон қилинган дивидендлар	-58.1	-7.5	-90
6.	Оддий акцияларга эълон қилинган дивидендлар	-1 691.7	-2 441.4	-2 965.6
7.	Жорий йилда акциядорлик капиталига таъсир қилувчи бошқа омиллар	59.8	589.8	434.9
8.	Жорий йилдаги жами акциядорлик капитали	25 597.5	35 907.4	46 030.7

Манбаа: <http://www.agrobank.uz> (АТ Агробанк сайти)

Ушбу жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, акциядорлик жорат «Агробанк»нинг жами акциядорлик капитали 2009 йил 1 январ ҳолатига 17996,6 млн. сўмни, 2010 йил 1 январ ҳолатига 25597,5 млн. сўмни ва 2011 йил 1 январ ҳолатига 35907,4 млн. сўмни ташкил этган. Ушбу маълумотлардан келиб чиқадиган бўлсак, банкнинг акциядорлик капитали шу давр мобайнида 17910,8 млн. сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Банк акциядорлик капиталидаги ўзгаришларга эътибор берадиган бўлсак, 2011 йил 1 январ ҳолатига 1504,4 млн. сўмлик акциялар муомалага чиқарилиб жойлаштирилган. Шунингдек, банк капиталининг ошишига ҳисобот даври бошида олинган соф фойда ҳам ижобий таъсир қилган, яъни аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, банк капиталининг ошишига 2009 йил 1 январда 7759,1 млн. сўм, 2010 йил 1 январда 9527,2 млн. сўм ва 2011 йил 1 январда 10687,4 млн. сўм миқдорида олинган соф фойдани келтириш мумкин.

Банк капиталининг ўзгаришига оддий ва имтиёзли акцияларга эълон қилинган дивидендлар ҳамда банк капитали баҳосининг бошланғич кийматига нисбатан ўзгарганлиги ҳам таъсир этган. Банк капитали баҳосининг бошланғич кийматига нисбатан ўзгаришини эътиборга олган ҳолда, капитал миқдорининг ҳисобланиши банк фаолиятига ижобий таъсир этади. Чунки, банк капиталини қайта баҳоланиб турилмаслиги нореал

капиталнинг юзага келишига ҳамда банк омонатчилари ва акциядорлари талабларининг бажарилмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳар бир тижорат банкининг ўз маблағ-лари таркибида устав капитали муҳим ўринни эгаллайди. Тижорат банкларининг устав капитали банк фаолиятини бошлаш учун базавий аҳамиятга эгадир.

Шу ўринда шакллантирилган асосий ва умумий капиталнинг етарлилик коэффицентларига қўйилган талаблар тўлиқ бажарилганлигига эътибор қаратиш лозим. Банкнинг умумий капитали таркибида I даражали капитал салмоғининг юқори эканлиги банк мажбуриятларининг кафолатланганлигидан далолат беради.

II.2. Банк маҳсулотлари ва хизматларини диверсификацияси таҳлили.

Тобора оммалашиб бораётган хилмахил турдаги банк маҳсулотлари ассортименти ҳам доимий равишда кенгайиб бормоқда. Тижорат банкларининг амалий фаолиятига тузилиш принциплари жиҳатидан мутлақо бошқача бўлган иқтисодиёт тармоқлари ва секторларидан: савдо сектори, ритейл ва ҳоказолардан олинган атамалар борган сари кўпроқ кириб келмоқда. Ана шундай атамаларга мисоллар сифатида «банк супермаркети», «банк хизматларини сотиш бўйича менежер», «сотиш офиси» сингари кўплаб сўз бирикмаларини келтириш мумкин.

XX асрнинг сўнгги ўн йилликлари ва XXI аср бошларида тижорат банклари моҳиятида катта таркибий ўзгаришлар юз бергани мана шундай ғоят хилмахил банк хизматлари пайдо бўлишига сабабдир. Бунда биринчи навбатда банк маҳсулотлари (операциялари ва хизматлари)нинг тузилишида юз берган ўзгариш назарда тутилади. XX асрнинг иккинчи ярмида тижорат банки деганда, истеъмомчи энг аввало камданкам ҳолларда биронбир ўзгаришга учрайдиган маълум хизматлар тўпламини, шунингдек банкка оид муайян ҳаракатларни кетмакет амалга ошириш (ҳисобварақ очиш, депозитарий хизмат-ларидан фойдаланиш, кредит олиш ва шу кабилар)

керак бўладиган молия муассасасини кўз олдига келтирар эди. Бугунги кунда эса тижорат банки юқорида санаб ўтилган банк маҳсулотларидан ташқари мавжуд хиз-матларга қўшимча ўлароқ, ўз маҳсулотларини такдим этишга мутлақо янгича ёндашувларни таклиф этмокда.

Бозордаги реал ҳолат доимий равишда ўзгариб туриши ва банк маҳсулотларида эволюция жараёни давом этишидан келиб чиққан ҳолда тижорат банкларининг ўз маҳсулотлари устида ишлашида ва уларни бўлажак истеъмолчига такдим этиш усулларида юз бераётган қуйидаги асосий таркибий ўзгаришларни келтириб ўтишни жоиз деб топдик:

1. Истеъмолчига банк маҳсулотлари сотадиган шохобчалар сонининг оммавий равишда кўпайиши.

Шубҳасиз, ушбу ҳолат тижорат банклари орасида рақобат курашининг кучайишига ижобий таъсир кўрсатишини инкор этиб бўлмайди, чунки аҳолига банк маҳсулотлари таклиф этадиган ҳар қандай янги шохобчанинг (филиалларнинг) очилиши билан банк брендининг машҳурлик даражаси ҳам, банк ишини билиш ва истеъмолчиларнинг банк хизматларидан манфаатдорлик даражаси ҳам ошади. Бундай банк сиёсати технологик инновациялар билан бирга, банк операцияларини бажариш тезлигини ҳам, уларнинг ҳажмини ҳам оширади, чунки талаб ортганида (банкларнинг филиаллар тармоғи кенгайиши натижасида), табиийки, у ёки бу банк хизматини сотиб олишни хоҳловчилар кўпаяди. Ўз навбатида, банк операцияларини амалга ошириш ва маълумотларни қайта ишлашнинг тезлашиши ҳамда улар ҳажмининг ортиши бутун банк сектори ва иқтисодиёт доирасида молиявий оқимлар кучайишига олиб келади. Бу эса, турган гапки, яхши тамойилдир.

2. Тижорат банки мижозлари билан узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш, уларни шакллантириш ва қўллабқувватлаш.

Бу ўринда гап банк мижозлари билан муносабат ўрнатишнинг пассив тизимидан фаол тизимга ўтиш ҳақида боради. Тижорат банкининг мижозлар билан фаол муносабатлар ўрнатиш тизими деганда, энг аввало, банк билан

унинг миждозлари уртасидаги муносабатларни идора қилишнинг тузилиши жиҳатидан аниқ белгиланган, аммо ҳар бир миждознинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олганда, мослашувчан тизимини тушуниш керак. Ушбу масалада эътиборни айнан банк маҳсулотлари мажмуига қаратмоқчимиз, чунки худди мана шу банк маҳсулотлари мажмуи банк билан унинг хизматларидан фойдаланувчилар уртасидаги муносабатлар векторини тубдан ўзгартириб юборади.

Амалиётда бу қуйидагича намоён бўлади: банк маҳсулотлари ва хизматлари тўплами доимий (ўзгармас) бўлганида, банк нисбатан яқинда миждоз бўлганлар билан муносабатлар узок давом этишига умид қила олмайди (банкнинг «янги» миждозлари учун банк хизматларининг хилмаҳиллиги ҳал қилувчи омил бўлса, эски миждозлар учун у бундай омил бўлмай қўяди, чунки улар ўзларига бир қатор муайян хизматларни кўрсатиш бўйича барқарор «банк-миждоз» муносабатларига асосланадилар ва «узокдаги қўйруқдан кўра яқиндаги ўпка маъқул» де-ган нақлга амал қиладилар).

Бунинг сабаби оддий: бўлажак истеъмолчи у ёки бу тижорат банкининг хизматларидан фойдаланишдан олдин турли мезонлар асосида танилган муайян банклар гуруҳининг (кўпинча бу мезонлар субъектив бўлади: географик жойлашуви, банкда қариндошлар, дўстлар ва танишлар ишлаши, у ёки бу банк хизматларидан фойдаланувчилар бўлиши ва ҳ. к.) ҳар хил кўрсаткич ва хусусиятларини таққослайди. Шу билан бирга, бундай ҳолларда банкнинг эътимодли муносабатларни, айниқса узок муддатли муносабатларни йўлга қўйиш имконига эга эканлиги ва шунга қодирлиги ҳар қандай миждоз учун бош мезон бўлади.

Ҳозир кўпчилик банклар олдида миждозлар билан узок муддатли муносабатларни йўлга қўйиш вазифаси туради. Бу вазифани бажариш банкларга пул маблағларини жалб этиб, шу тариқа пул оқимларини кўпайтиришнигина эмас, балки бозордаги ўз аҳволи учун ташвишланмаслик имконини ҳам беради, чунки бундай ҳолларда улар ҳар доим барқарор миждозларга эга бўладилар.

3. Мижозларда банкларга нисбатан ишонч даражасининг ўзгариши ва мижозларга хизмат кўрсатишга қўйиладиган талабларнинг жиддий янгилааниши.

Чет эл манбаларига асосланган маълумотларга кура, ғарбдаги банкларнинг ўрта ҳисобда 3/4 қисми хизмат кўрсатиш сифати ёмонлиги ва, шунинг оқибати ўлароқ, банк ходимларига қўйиладиган талаблар етарли даражада самарали бўлмаслиги туфайли ҳар беш йилда ўз мижозларининг 50 фоизидан маҳрум бўлиб қолмоқда. Бундай вазият банк мавқеи ва имижига ҳамда орттирган обрў-эътиборигагина эмас, шу билан бирга унинг молиявий аҳволи ва тўлов қобилиятига ҳам зарар етказди, чунки банк мавжуд мижозлари билан алоқани узмасликдан кўра янги мижоз жалб этишга кўпроқ чиқим қилади. Банк мавжуд мижозга сарфлайдиган маблағга нисбатан янги мижоз жалб этишга 6-7 баравар кўп маблағ сарфлайди.

Вужудга келган вазиятдан қутулиш йўли тижорат банклари фаолиятига муайян сифат стандартларини жорий этишдан иборат деб ўйлаймиз. Бу стандартлар банкнинг ўз мижозлари билан муносабатлари соҳасига тузатишлар киритиши мумкин.

Мижозлар банк маҳсулотларининг сифатидан қай-даражада қаноатланганлигини мониторинг қилишнинг бир неча усулини ажратиб кўрсатиш мумкин:

а) тижорат банкида аҳолига тақдим этилаётган маҳсулотлар сифатининг ички мониторингини вақтивақти билан ўтказиб туриш.

Асосан тижорат банки фаолиятининг амалий жиҳатлари ҳақида сўз юритганда, гап қуйидаги усуллар ҳақида бораётганлигини ёдда тутиш ўринли бўлади:

- банк хизматларининг турли харажатлари ва хусусиятлари ҳақида мижозларнинг фикрини олиш учун улар орасида яширинча сўровлар ўтказиш;

- банк ходимларининг малака даражасини ҳамда бу даража банк ишлаб чиққан сифат стандартига қанчалик мувофиқлигини аниқлаш мақсадида улар орасида ички сўровлар ўтказиш;

- мижозларда турли масалалар юзасидан даъволар туғилганида ва улар билан келишмовчиликлар келиб чиққанида банк ходимлари ўзларини қандай тутишларини текшириш мақсадида банк ходимларини назорат қилишнинг турли шаклларида фойдаланиш.

Турган гапки, аслида банкнинг ҳар бир мижозига алоҳида ёндашилмоғи, бундай ёндашув мижознинг психологик, интеллектуал ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олмоғи керак, лекин шунга қарамай, ностандарт вазият вужудга келган тақдирда банк ходимлари маълум даражада тайёргарлик-ка эга бўлсалар, ортиқча бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Тижорат банки мижозларининг банк фаолиятидан ва кўрсатилаётган хизматлар сифати ҳамда банк маҳсулотлари хилининг кўплигидан қаноатланганлиги масалаларини ўрганиш мақсадида мустақил ижтимоий тадқиқотларга бюртма бериши.

Банк ўз ҳақида жамоатчилик фикрини аниқлашининг бундай усули анча кенг тарқалган. Бундай мониторинг усулининг банк учун асосий афзаллиги шундаки, у ўз маҳсулотларининг сифат таркиби, асосий афзалликлари ва камчиликлари ҳақида тезкор ахборотга эга бўлади.

Шундай қилиб, тижорат банки кўплаб мижозлардан сўровнома орқали ўтказилган бундай мустақил тадқиқотлар натижалари асосида ўзи бозорга олиб чиқадиган банк маҳсулотлари ва хизматлари хусусида ўз стратегиясини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Равшанки, қоида тариқасида, йирик социологик тадқиқот марказлари томонидан олиб бориладиган бундай катта кўламдаги тадқиқотларга буюртма бериш, уларни тайёрлаш ва ўтказиш банк учун қўшимча харажатлар моддаси бўлади. Аммо, банк аҳолига ўз маҳсулотларини тақдим этиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасида ривожланиш стратегиясини нотўғри танлаб олган тақдирда, унинг қиладиган чиқимлари олдида бу харажатлар ҳеч гап бўлмай қолиши мумкин. ривожланган

мамлакатларда тижорат банкларининг қарийб 3/4 қисми бундай хизматлардан фойдаланади.

Қуйида келтириладиган асосий кўрсаткичларни тижорат банки юқоридаги тадқиқотлар натижасида ўз фаолиятига нисбат берилган ҳолда баҳолаши мумкин:

2-расм

Мижозларининг талаблари		
Банкда қулайлик ҳисси	Вақтдан муайян фойдаланиш	Ўз банкига ишониш
1. Офис қулай жойлашганлиги	1. Эътиборни миждознинг муаммоларига жамлаш	1. Банк ҳақида тушунарли ва қулай ахборот олиш
2. Чиройли интерьер ва замонавий жиҳозлар	2. Миждознинг таклиф ёки эътирозларига дарҳол муносабат билдириш	2. Банкдаги қулай амалий муҳит
3. Хушмуомала банк ходимлари	3. Тез хизмат кўрсатиш	3. Ходимлар миждозларнинг турли ва
4. Ҳар бир миждозга алоҳида муомала	4. Банк мослашувчан график бўйича ишлаши	4. Миждоз. қарор қабул қилиши учун вариантлар кўплиги
5. Зарур атрибутлар ёрдамида: чой, кофе таклиф қилиш, матбуот ва шу кабилар ёрдамида миждоз ўзини «уйидагидек ҳис қилишига» имкон туғдириш	5. Банк офисида одам кўп бўлмаслиги	5. Ходимлар ўз масалаларини билиши
	6. Банк	

Санаб ўтилган кўрсаткичларга асосланиб, бундай тадқиқотни тегишли бўлимларга ажратиш мумкин. Тижорат банки менежменти улар билан танишиб чиқиш натижасида бундан буён нималарга устувор аҳамият беришни аниқлаб, муайян хулосаларга келиши мумкин.

Банк билан мижозлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тилга олинган хусусият-ларидан кейин шуни кўрсатиб ўтмоқчимизки, бугунги кунда банкларга асосий даромад айнан мижозларнинг жалб этилаётган маблағлари орқали келмоқда. Шу сабабли, мижознинг банк маҳсулотлари ва хизматларидан манфаатдорлик (бинобарин, даражаси (ишончи)ни ошириш ҳозирги вақтда асосий масалалардан биридир, бинобарин, ҳар қандай тижорат банки муваффақиятли фаолият юритишининг гарови мижозларга сифатли хизмат кўрсатишга ҳамда уларни бундай хизматлар билан қаноатлантириш даражасига бевосита боғлиқдир.

II.3. Тижорат банкларида кредит портфелини диверсификациялаш ҳолати

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида барқарор ўсишга эришилмоқда. Буни қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятлар мисолида яққол кўриш мумкин. Сабаби, юртимизда мазкур тармоқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, деҳқон ва фермерлар моддий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин кўпаймоқда. Бу жараёнда қишлоқ мулкдорларининг чинакам молиявий таянчига айланган “Агробанк” ОАТБнинг кўмаги, айниқса, қатта бўлаяпти. Банкнинг Наманган вилояти бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишлар бунинг ёрқин далилидир.

Банк бошқармаси жамоаси хайрли тадбирларни давом эттириб, вилоят деҳқон ва фермерларининг сабзаёт ва полиз, мева ва узум, шунингдек, картошка етиштиришни аввалги йиллардагига нисбатан 30-40 фоизга кўпайтириш орқали қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш ҳажмини янада ошириш, ички истеъмол бозорини сархил маҳсулотлар билан тўлдириш, янги тоқзор ва интенсиф боғлар ташкил этиш лойиҳаларини молиявий жиҳатдан қўллабқувватлаётир. Жумладан, жойлардаги ҳар бир банк бўлими томонидан

кишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини етказиб бериш мақсадида 2 тадан кўчма дўкон ташкил этилди. Бундан ташқари, махсус кимё корхоналари дўконларида банк кредити ҳисобидан уруғлик ва кўчат савдоси ташкил этилгани, умуман олганда, 2011 йилда шахсий томорқа ва деҳқон хўжаликларига 4472 та лойиҳа буйича 1952,1 млн. сўм миқдорида микрокредит ажратиш кўзда тутилгани диққатга сазовор.

Шу ўринда 2011 йил пахта ҳосили учун 10 млрд. 84,3 млн. сўм, ғалла етиштириш харажатларига 10 млрд. 91,3 млн. сўм имтиёзли, фермер хўжаликларининг моддийтехник базасини мустаҳкамлаш, чорвачилик ва паррандачилик каби қўшимча тармоқларни ривожлантириш учун жами 350,0 млн. сўм тижорат кредитлари ажратилганини айтиш ўринлидир.

“Агробанк” сармоялари нафақат кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга, балки чекка ҳудудларда саноатни ривожлантириш, тармоқ корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга ҳам хизмат қилапти. Масалан, Поп пахта тозалаш акциядорлик жамиятига 750 млн. сўм узоқ муддатли кредит ишлаб чиқаришни модернизациялашга йўналтирилди. Шунингдек, “Наманган дон маҳсулотлари” АЖ 400 млн. сўм, “Учқўрғон дон маҳсулотлари” АЖ 250 млн. сўм, “Поп дон маҳсулотлари” АЖ 150 млн. сўм, “Наманган дон” АЖ 272,2 млн. сўм миқдорида узоқ муддатли кредитдан баҳраманд бўлиб, бунинг эвазига зарур жиҳоз ва ускуналар сотиб олинди.

Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги “Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича ҳам муайян ишлар олиб бажарилди. Аниқроғи, пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлган банк миждозларига жами 590 млн. сўм узоқ муддатли кредитлар берилди. Хусусан, банкнинг Ҳаққулобод филиали миждози “Муҳаммадбобур савдо сервис” МЧЖга 100 млн. сўм, Чортоқ филиали миждози “Мақсад бунёдкори” МЧЖга 160 млн. сўм, Янгиқўрғон филиали миждози “Мурод ўғли Малик” МЧЖга ҳам ана шунча, Учқўрғон филиали миждози “Асадулло Бунёдкор Файз” МЧЖга эса 170 млн. сўм кредит

ажратилди. Натижада деворбоп материаллар ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, шаҳару қишлоқларни ободонлаштириш, замонавий тураржойлар барпо этишда кенг қўлланилаёпти.

Наманган шаҳрининг Истиклол кўчасида қад кўтарган 2 та 24 хонадонли уйжойнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилишида пудратчи ташкилотлар – “ХМКК10” МЧЖга 915 млн. сўм ва “Буцефал тройд сервис” МЧЖга 939 млн. сўм миқдоридан ажратилган кредит маблағлари, айниқса, қўл келди. Айни пайтда Бобуршоҳ кўчасида тикланаётган 2 та 24 хонадонли, шунча 18 хонадонли тураржой бунёдкорлари ҳам “Агробанк”нинг 1 миллиард 823 млн. сўмлик кредитдан унумли фойдаланишмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб–қувватлаш “Агробанк”нинг Наманган вилояти бошқармасининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. 2011 йилнинг дастлабки икки ойи давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 178 та хўжалик субъектига 3 млрд. 535.4 млн. сўмлик кредитлар ажратилгани, бунинг ҳисобига 340 та янги иш ўрни яратилгани бунга мисол бўлади.

Бугунги кунда вилоятда озиковқат ва ноозиковқат товарларни ишлаб чиқариш бўлсин, хоҳ иссиқхона барпо этиш, паррандачилик хўжаликлари ташкил этиш ва ёки сервис хизматлари кўратиш соҳаси бўлсин – бу тармоқларнинг ривожига банк бошқармасининг муносиб улуши бор. Ишотми? Бошқарманинг Учқўрғон филиали томонидан ажратилган 200 млн. сўм кредит эвазига “Муҳиддин қалб гавҳари” МЧЖга қоғозни қайта ишлаш дастгоҳи сотиб олинди, 10 та янги иш ўрни яратилди. “Намгоҳон Хурсанов Mustaqim” ва “Низомиддин Хусн Жамол” фермер хўжаликларига ажратилган 63,2 млн. сўмлик кредитлар эвазига эса яна 18 та қўшимча иш ўрни очилди. Бундан мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бошқарма томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 августдаги “2009-2012 йилларда Наманган вилоятида саноатни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш дастури тўғрисида”ги қарори ижроси бўйича ҳам муайян ишлар бажарилди. Жумладан, “Ифтихор Кийим

Саноат” МЧЖнинг 556,0 минг АҚШ долларилек инвестициявий лойиҳаси молиялаштирилиб, корхона хорижнинг замонавий дастгоҳлари билан қайта жиҳозланди. Бу, ўз навбатида, эркалар костюмшимларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини берди. Яна бир эътиборли жиҳати, 55 та янги иш жойи очилиб, ишчилар сони қарийб 100 нафарга етди. Ҳозирги пайтда уларнинг хизмати билан кунига 150 дона эркалар костюмшими ишлаб чиқариляпти.

Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Namangan Momiq Sochiqlar” МЧЖнинг 476,0 минг АҚШ долларилек инвестициявий лойиҳаси ҳам “Агробанк”нинг Наманган вилояти бошқармаси томонидан молиялаштирилди. Бу ерга Швейцария ва Франция давлатларида ишлаб чиқарилган замонавий дастгоҳлар ўрнатилгач, 51 та янги иш ўрни яратилди.

Жамиятда тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Ўтган йили ишлаб чиқарилган 320,0 млн. сўмлик маҳсулотнинг 87,5 млн. сўмлиги экспорт қилингани шундан далолат беради. Айни пайтда чет эллик ҳамкорлардан буюртмалар олиш, шартномалар имзолаш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, Россиянинг «Уфимская торговая база» маъсулияти чекланган жамияти билан 700,0 минг АҚШ доллари ва «ИП Жуков» фирмаси билан 1 млн. АҚШ доллари миқдорида экспорт шартномаси имзоланди.

Банкнинг молиявий кўмаги билан “Заркент текстиль” хусусий фирмаси Хитой давлатидан умумий қиймати 500,0 минг АҚШ долларилек пиллани қайта ишлайдиган ускуналар сотиб олди. Натижада қисқа фурсатда замонавий корхона ишга туширилди ва 240 та янги иш ўрни яратилди. Бу ерда йилига 414 тонна пилла хом ашёси қайта ишланиб, жаҳон стандардларига жавоб берадиган 117,0 тонна ипак хомашёсини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Маҳсулотнинг асосий қисми экспорт қилиниши кутилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Қишлоқ жойларда хотинқизлар бандилигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб этишда Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотинқизлар

қўмитаси фаолиятини қўллабқувватлаш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони муҳим омил бўлмоқда. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг вилоят бошқармаси томонидан 2011 йилнинг ўтган даврида 242.5 млн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди. Унинг ҳисобига 18 та янги иш ўрни очилди. Қолаверса, озиқовқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кўпайтириш мақсадида 768.0 млн. сўм, ноозиқовқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун эса 623.4 млн. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Агробанк” ОАТБ Наманган вилояти бошқармаси фаолияти мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Шундай экан, бошқарма ва унинг филиаллари бундан кейин ҳам белгилаб олинган устувор вазифалардан келиб чиқиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермерлар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчиларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, фаолиятини кенгайтириш борасидаги ишларини жадал давом эттираверади.

III-боб. Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози шароитида тижорат банкларида диверсификацияни такомиллаштириш

III.1. Банкларда диверсификацияни қўллаш имкониятларини кенгайтириш

Бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган мамлакатларда тижорат банклари кредит сиёсатиغا, уларнинг кредит портфели сифатиغا, ундан фойдаланиш даражасига катта эътибор берилади. Чунки кредит сиёсатининг тўғри ташкил қилиниши банкларнинг самарали фаолият кўрсатаётганидан далолат беради. Кредит операцияларини олиб боришда йўл қўйилган камчиликлар банклар даромадининг камайишига, баъзи ҳолларда уларнинг синиб кетишига олиб келиши мумкин. Шу сабабли, банкларнинг кредит портфели ва унинг сифатини назорат қилиб бориш, уни оқилона бошқариш кредит хатарларини камайтиришга асос бўлиши мумкин. Кредит портфели сифатини доимий назорат қилиб бориш тижорат банклари фаолияти самарадорлигини ошириш гаровидир. Уларнинг кредит портфелини оқилона бошқариш эса кредит хатарларини камайтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Банк мураккаб ва мунтазам ўзгариб турадиган иқтисодий шароитларда, аввало ҳеч қачон дуч келинмаган ёки тўлиқ ҳал этилмаган, масалан, хатар концепциясини ишлаб чиқиш ва ссудалар бўйича эҳтимолий зарарларни кўра билиш, кредитлар жамланиши ҳисобини юритиш ва иқтисодий шароитнинг карздорлар даромадларига қанчалик таъсир кўрсатишини аниқлаш вазифаси кўндаланг турганида кредит сиёсатининг ўрни айниқса муҳимдир. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш фойда олиш ва самарали иш юритиш ҳолати сақланган ҳолда, бозор эҳтиёжлари қондириладиган энг юқори хатар даражасини аниқланишини тақозо этади.

Ҳар қандай кредит сиёсатининг мақсади узоқ муддатли инвестициялардан акциядорларга юқори даромад келишини таъминлаш, ликвидликни сақлаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, сиёсат

ва тадбирлар бирлигини кафолатлаш, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳудуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Банк кредит портфелини ташкил қилишнинг асосий мақсади, банкнинг кредит сиёсати соҳасидаги ўз стратегиясини ишлаб чиқиш, кредитлар сифатини таҳлил қилиш ва уни яхшилаш бўйича чоралар белгилашдан иборат. Бунинг учун банк берилган кре-дитларнинг белгиланган лимитларга мое келиши, кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, кредит хатарларини камайтириш ва кредитлар сифатини яхшилаш каби кўрсаткичларнинг ҳақиқий ҳолатини текшириб бориши зарур.

Кредит хатарининг асосий қисми маълум бир тармоқдаги маҳсулотга бўлган талаб ва ишлаб чиқаришнинг пасайиб ке-тиш эҳтимоли билан узвий боғлиқдир.

Кредит хатарининг даражасига қуйидаги омиллар таъсир қилади:

банк кредит фаолиятининг иқтисодиётдаги ўзгаришларга тез мослашадиган, шунингдек, ўз маҳсулотига эластик талабга эга бўлган қайсидир бир тармоқ ёки доирада тўпланиш даражаси. Бу эса банк миқозларини маълум тармоқларда ёки географик ҳудудларда, айниқса бозор ўзгаришларига таъсирчан бўлган тўпланиш даражаси билан боғлиқ бўлади;

банк фаолиятининг кам ўрганилган, янги, ноанъанавий тармоқ ва доираларда шаклланиши;

амалиётига янги хизмат турларини қисқа муддат давомида кўп миқдорда татбиқ қилиш. Бунда талаб оз бўлганлигидан банк салбий натижага эришиши мумкин;

янги ва яқин муддат ичида жалб қилинган миқозларнинг катта қисми мавжуд бўлса;

кредит ва бошқа банк шартномаларининг катта қисми ўзига хос маълум қийинчиликни бошидан кечираётган миқозларга тўғри келса.

Одатда, соғлом банк тизимининг зарур шарти кредит хатарини ишончли бошқариш тизими ҳисобланади. Кредит хатарлари кўп сонли қарздорлар орасида тақсимланиши керак. Бозор иқтисодиётига ўтаётган ва банк

хизматлари бозори ҳали шаклланмаган давлат учун, айниқса, иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш даврида кредит портфелини диверсификация қилиш масаласини ҳал қилиш ўта зарурдир.

Шуни таъкидлаш жоизки, бозор иқтисодига ўтиш шароитида тижорат банкларини хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш иқтисодий ва сиёсий характердаги қийинчиликлар, капитал бозори ва зарур малакали кадрларнинг мавжуд эмаслиги, ишончни сақлаб қолиш масалалари ва ниҳоят, давлат банкларининг иқтисоднинг маълум тармоқларини ва фаолият турларини молиялаштиришга ихтисослашганлиги билан боғлиқдир.

Банк тизими ривожланишида рақобат тизимининг яратилиши ва банкларнинг рақобат жараёнида бир хил имкониятларга эга бўлишлари муҳим рол ўйнайди. Ле-кин, Ўзбекистонда айрим банклар ихтиё-рида катта ресурсларнинг жамланиши ва муайян фаолият турлари бўйича ихтисослашуви ҳозирги вақтда банк тизимига хос бўлган ҳолат ҳисобланади.

Кредит қўйилмаларини турли тармоқлар ва мижозлар гуруҳи орасида диверсификациялаш эса, банк тизимини ривожлантиришнинг рақобатбардошлик даражасини оширишга йўналтирилган ҳолда, банк секторини монополиядан чиқаришни кучайтиради. Тижорат банклари фаолиятини уни[^] версаллаштириш банклараро рақобатнинг шаклланишига, уларнинг бозор тамойиллари асосида фаолият кўрсатишга ундайди. Тармоқлар бўйича кредит портфелининг диверсификацияси мижозлар бозорида банклараро рақобат учун шароит яратиш билан бевосита алоқадордир. Ўз навбатида, рақобат банк хизматлари бозорларини кенгайтириш заруриятини белгилайди, яъни универсаллаштиришнинг объектив шарти сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, ушбу жиддий масала Ўзбе-кистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сонли Қарори билан тасдиқланган "2000-2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш Дастури" да ҳам қуйидагича таъкидлаб ўтилган: "... Ҳозирги вақтда банк тизими активларининг 80 фоиздан ортиғи давлат ва ихтисослаштирилган

(тармоқ) банклар улушига тўғри келмоқда. Банклар активларининг иқтисодийёт айрим тармоқларида нотекис жамланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига, молия бозорида банклар ўртасида рақобатнинг кучайишига, банклар таваккалчилик активларининг диверсификациясига, шунингдек, банк фаолиятининг монополиядан чиқарилишига салбий таъсир кўрсатмоқда".

Жаҳон тажрибасидан маълумки, кўпчилик банклар банк капиталининг катта қисми кредит қўйилмалари сифатида бир ёки бир неча гуруҳ қарздорларга ёки маълум бир тармоқни кредитлаш эвазига қарзларнинг тўпланиши натижасида банкротликка учраганлар.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, республикамиз тижорат банкларининг рақобатбардошлигини ошириш ва уларни универсаллаштиришни тезлаштириш мақсадида, қуйидаги хулосаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Бозор ва кредит таваккалчиликларини ҳисобга олган ҳолда активлар ва пасивларни самарали бошқаришни таъминлоачи банклар кредит сиёсатини такомиллаштириши, тижорат банкларида ички кредит назорати тизимини ривожлантириши даркор.

2. Тижорат банклари кредит портфели диверсификациясини кенгайтириш ва кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланиш банкларни универсаллаштиришда ва рақобатбардошлигини оширишда ёрдам беради ҳамда кредит хатарини пасайтиришни таъминлайди.

3. Банкларда кредит қўйилмаларини номуаносиб тақсимланиши тармоқларда активларнинг хатарлилигини оширади ва бошқа тармоқларда ресурслар тақчиллигига олиб келади. Бу муаммонинг олдини олиш учун мавжуд банкларни универсаллаштиришни тезлаштириш ва улар фаолиятини эркинлаштириш даркор.

4. Тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини мустақил ишлаб чиқишлари банкларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди. Уларнинг

активлари диверсификацияси эса тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

5. Банк ликвидлигини бошқаришда ва Марказий банк томонидан иқтисодий нормативга риоя этиш мақсадида жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларни муддати бўйича диверсификация қилиш натижасида, банк ҳар куни активларнинг мажбуриятларга нисбатан фарқини биледи ва ўз кредит операцияларини режалаштиришга ёрдам беради. Бу билан тижорат банки аарур бўлган ликвидлик даражасини ушлаб турган ҳолда максимал даражада юқори даромадга эришади.

6. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини аниқлаш нуқтаи назаридан унинг диверсификацияланишини кўзда тутеди. Кредитлар нинг бир неча мижозлар ичида жамланиш даражаси ва кредитлашнинг умумий ҳажми ошиши билан банк кредит хатари ҳам ўсиб боради. Шунинг учун банклар доимо бирбиридан мустақил бўлган кўп сонли мижозларга озроқ ҳажмдаги кредитларни тақдим қилишга ҳаракат қилишлари лозим. Бундан ташқари, кредитларни қуйидагича тақсимлаш зарур:

муддатлари бўйича (қисқа, ўрта ва узоқ муддатли қўйилмалар салмоғини иқтисоддаги кутилаётган ўзгаришларга ва депозитлар муддатларига боғлиқ ҳолатда тартибга солиш);

йўналиши бўйича (мавсумий, қурилишига ва бошқалар);

таъминоти бўйича (активларнинг турли хиллари асосида);

кредит учун ўрнатилган фоиз ставкаси бўйича (мажбурий ёки ўзгарувчан);

тармоқлар бўйича.

7. Кредит сиёсати банк кредит портфелининг хатар даражасини, кредитларнинг таъминланганлик даражасини, кредитларнинг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича жамланганлигини, кредитлашнинг манбалари бўйича, мулк шакли бўйича систематик таҳлил қилишни кўзда тутеди. Бу таҳлил ҳар ойда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Кредит сиёсатининг стратегияси кредит хатари даражасига таъсириладиган ва тижорат банкининг активлари сифатини оширадиган кредитлаш жараёнини бошқаришнинг янада мукамалроқ усул ва йўлларини аниқлаши лозим. Бу усуллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт тамоқларида кредитларни жамланиб қолиш жараёнини бошқариш мақсадида кредит портфелини дифференциациялаш;
- ўзига хос маълум қийинчиликни бошидан кечираётган мижозлар ҳиссасига тўғри келадиган кредитлар салмоғини қисқартириш;
- янги мижозларга берилган кредитларнинг белгиланган даражасига амал қилиш;
- гаровга олинаётган моддий бойликлар сифатини баҳолаш ва ўз қийматини тез йўқотадиган ёки бозорда қийин сотиладиган моддий бойликларни гаров сифатида олишга йўлқўймасликдан иборатдир.

Юқорида кўриб чиқилган омиллар ҳақиқатдан ҳам кредит сиёсати стратегиясининг асосий йўналиши бўлган диверсификациялашни тижорат банклари кенг кўламда қўллашнинг тақозо этади. Зеро, банклар ихтисослашувининг пасайиши, кредит қўйилмаларини тармоқлар ва мижоз гуруҳлари доирасида эркин тақсимлаш ва янги банк маҳсулотларини амалга киритиш ҳамда хизмат турларини диверсификациялаш банк тизимини рақобатчилик даражасини ҳамда банклар фаолияти самарадорлигини оширади.

Ш.2. Банклар фаолиятини янада эркинлаштиришда диверсификацияни тутган ўрнини янада такомиллаштириш

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратиб келинмоқда.

Хусусан 2010 йилда ҳам банк тизимида амалга оширилган ислохотлар Президентимиз ва ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган бир қатор фармон

ва қарорларда белгиланган қуйидаги устувор вазифаларнинг бажарилишига қаратилди:

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторларнинг маблағларини банк акциялари ва депозитларга жалб қилиш орқали банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда ресурс базасини кенгайтириш;

- банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлашдаги иштирокини янада кенгайтириш ва кичик бизнес субъектларини молиявий қўллабқувватлаш;

- банкларда самарали назоратни амалга ошириш, банк инфратузилмаларини кенгайтириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва миқдорларга янги қулайликлар яратиш;

- ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш, нақд пулларнинг банк айланмасига жалб этилишини янада кенгайтириш;

- банкларни яқка тартибда баҳолаш миллий рейтингига ва халқаро рейтинг компанияларининг рейтингларига эга бўлишларини таъминлаш борасида бир қатор чоратадбирлар амалга ошириш.

Банклар устав капиталига хусусий капитални жалб қилишга қаратилган чоратадбирлар доирасида 17 та тижорат банки акциялари фонд бозори листингига киритилди ва 2008 йил давомида уларнинг 20,6 млрд. сўмлик акциялари бевосита фонд биржасида номинал қийматидан юқори нархларда сотилди. Натижада, ўтган йил давомида акциядорлар сони 23663 тага ортди ва уларнинг 98 фоиздан зиёдини жисмоний шахслар ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармон ва Қарорларига асосан стратегик аҳамиятга эга бўлган банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги иштирокини фаоллаштириш мақсадида давлат бюджетидан тижорат банклари устав капиталини ошириш бўйича маблағлар ажратилиши белгилаб берилди.

Давлат бюджетидан банклар устав капиталини ошириш бўйича ажратилган
маблағлар динамикаси, млрд. сўм

Банк номи	Эълон қилинган устав капитални	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши					
		Жами	шу жумладан				
			2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Халқ банки	200	120	20	30	30	20	20
Асака банки	300	147	100	48	-	-	-
Ўзсаноатқурилиш банки	100	65	63	2	-	-	-
Микрокредит банк	150	72	54	18	-	-	-
Пахта банк	100	50	22	28	-	-	-
Ғалла банк	50	36	13	23	-	-	-
Жами		491	272	149	30	20	20

Манбаа: <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти)

Ушбу жараёнларни амалга ошириш орқали:

- давлат тижорат «Халқ банки»нинг устав капитални 100 млрд. сўмга;
- «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банкнинг устав капитални 65,4 млрд. сўм миқдоридagi қўшимча акцияларни эмиссия қилиш орқали 100 млрд. сўмга;
- «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкнинг устав капитални қўшимча 66,2 млрд. сўмлик акциялар чиқариш орқали 141,5 млрд. сўмга етказилди.


Ўтган йилда республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони 30 тага етди. Шундан 3 таси давлат тижорат банки, 11 таси акциядорлик тижорат банки, 11 таси хусусий банк ва 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади.

Республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган тижорат банклари филиаллари ва бўлинмалари сони 800 тадан ошиб кетди.

Аҳолига банк хизматларидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан минибанклар ташкил этилган ва улар деярли барча турдаги банк хизматларини кўрсатиб келмоқдалар.

3-расм

Фаолият кўрсатаётган тижорат банклари сони ва таркиби



Манбаа: <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ726-сонли Қарори талабларига мувофиқ, мижозларга касса хизматларини кўрсатиш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун қулайликлар яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан махсус кассалар ташкил этилган.

Жумладан, бозорлар ҳудудида банк инфратузилмаларини кенгайтириш мақсадида ўтган йил давомида тадбиркорлардан бозор хизматлари ва бошқа тўловларни қабул қилиш учун махсус кассалар ташкил этилди.

Республикамизда банк инфратузилмаларининг кенгайиб бориши банклар ўртасидаги рақобат муҳитини янада кучайтирмоқда.

Банкларнинг капитали ва мижозлардан жалб қилинган депозитлар ҳажмининг ўсиши республика иқтисодиётининг базавий тармоқларида ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация қилиш, истиқболли ва юқори самарали инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол

маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий қўллабқувватлашда банклар иштирокини янада кенгайтириш имконини бермоқда. Банклар томонидан узоқ муддатга ажратилган инвестицион кредитлардан олинган даромадлар бўйича солиқ имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг ушбу жараёнлардаги иштирокини рағбатлантириб келмоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан устувор тармоқ корхоналарини модернизация қилиш ҳамда техник қайта жиҳозлаш учун кредитлар ажратилиши янада фаоллашди.

Бундан ташқари, банкларнинг аҳолига узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш ҳамда уйжой қуриш, сотиб олиш учун истеъмол ва ипотека кредитлари ажратиш борасидаги ишлари ҳам давом эттирилди. Сўнгги йилларда бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш ҳамда нақд пулсиз ҳисобкитоблар ҳажмини кенгайтириш воситаларидан бири бўлган пластик карточкалардан фойдаланиш тизими жадал ривожлантирилмоқда.

Ҳукумат қарорларига асосан, пластик карточкалар бўйича тўловларни амалга оширишда фойдаланиладиган пластик карточкалар тизимига оид жиҳозларни импорт қилишда божхона имтиёзларининг берилганлиги банкларнинг бу борадаги фаолиятларини янада рағбатлантирди.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, республикамиз тижорат банкларида диверсификациялашни қўллашни амалга ошириш мақсадида, қуйидаги хулосаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолда активлар ва пасивларни самарали бошқаришни таъминлоачи банклар кредит сиёсатини такомиллаштириши, тижорат банкларида ички кредит назорати тизимини ривожлантириши лозим.

2. Тижорат банклари кредит портфели диверсификациясини кенгайтириш ва кредит қўйилмаларидан самарали фойдаланиш банкларни кредит хатарини пасайтиришни таъминлайди.

3. Банкларда кредит қўйилмаларини номуаносиб тақсимланиши тармоқларда активларнинг хатарлилигини оширади ва бошқа тармоқларда ресурслар тақчиллигига олиб келади. Бу муаммонинг олдини олиш учун мавжуд банкларни фаолиятини эркинлаштириш даркор.

4. Тижорат банклари ўзларининг кредит сиёсатини мустақил ишлаб чиқишлари банкларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди. Уларнинг активлари диверсификацияси эса тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

5. Банк ликвидлилигини бошқаришда ва Марказий банк томонидан иқтисодий нормативга риоя этиш мақсадида жалб қилинган ва жойлаштирилган маблағларни муддати бўйича диверсификация қилиш натижасида, банк ҳар куни активларнинг мажбуриятларга нисбатан фарқини билади ва ўз кредит операцияларини режалаштиришга ёрдам беради. Бу билан тижорат банки аарур бўлган ликвидлилик даражасини ушлаб турган ҳолда максимал даражада юқори даромадга эришади.

6. Кредит портфелини шакллантириш жараёни оптимал кредит сиёсатини аниқлаш нуқтаи назаридан унинг диверсификацияланишини кўзда

тутади. Кредитлар нинг бир неча мижозлар ичида жамланиш даражаси ва кредитлашнинг умумий ҳажми ошиши билан банк кредит хатари ҳам ўсиб боради. Шунинг учун банклар доимо бирбиридан мустақил бўлган кўп сонли мижозларга озроқ ҳажмдаги кредитларни тақдим қилишга ҳаракат қилишлари лозим. Бундан ташқари, кредитларни қуйидагича тақсимлаш зарур:

муддатлари бўйича (қисқа ва узоқ муддатли қўйилмалар салмоғини иқтисоддаги кутилаётган ўзгаришларга ва депозитлар муддатларига боғлиқ ҳолатда тартибга солиш);

йўналиши бўйича (мавсумий, қурилишига ва бошқалар);

таъминоти бўйича (активларнинг турли хиллари асосида);

кредит учун ўрнатилган фоиз ставкаси бўйича (мажбурий ёки ўзгарувчан);

тармоқлар бўйича.

7. Кредит сиёсати банк кредит портфелининг хатар даражасини, кредитларнинг таъминланганлик даражасини, кредитларнинг ҳудудлар ва тармоқлар бўйича жамланганлигини, кредитлашнинг манбалари бўйича, мулк шакли бўйича систематик таҳлил қилишни кўзда тутаяди. Бу таҳлил ҳар ойда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Кредит сиёсатининг стратегияси кредит хатари даражасига таъсириладиган ва тижорат банкининг активлари сифатини оширадиган кредитлаш жараёнини бошқаришнинг янада мукамалроқ усул ва йўлларини аниқлаши лозим. Бу усуллар қуйидагилардан иборат:

- иқтисодиёт тамоқларида кредитларни жамланиб қолиш жараёнини бошқариш мақсадида кредит портфелини диверсификациялаш;

- ўзига хос маълум қийинчиликни бошидан кечираётган мижозлар ҳиссасига тўғри келадиган кредитлар салмоғини қисқартириш;

- янги мижозларга берилган кредитларнинг белгиланган даражасига амал қилиш;

- гаровга олинаётган моддий бойликлар сифатини баҳолаш ва ўз қийматини тез йўқотадиган ёки бозорда қийин сотиладиган моддий бойликларни гаров сифатида олишга йўлқўймасликдан иборатдир.

Юқорида кўриб чиқилган омиллар ҳақиқатдан ҳам кредит сиёсати стратегиясининг асосий йўналиши бўлган диверсификациялашни тижорат банклари кенг қўламда қўллашнинг тақозо этади. Зеро, банклар ихтисослашувининг пасайиши, кредит қўйилмаларини тармоқлар ва мижоз гуруҳлари доирасида эркин тақсимлаш ва янги банк маҳсулотларини амалга киритиш ҳамда хизмат турларини диверсификациялаш банк тизимини рақобатчилик даражасини ҳамда банклар фаолияти самарадорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун. 1995 йил 21 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонун. 1996 йил 24 апрел.
3. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
4. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
5. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
6. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашینی таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-

тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибни тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”. 2002 йил.

11. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. - Т.: “Ўзбекистон”, 2005. - 89 б.

12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

13. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик. –Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув кўлланма.–Т. Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

15. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

16. Абдуллаева Ш.З. «Пул, кредит ва банклар» Тошкент 2004 йил.

17. Абдуллаева Ш.З. «Пул ва пул тизими» Т.; Ўқитувчи, 1998 йил.

18. Абдуллаева Ш.З., Омонов А. Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш.-Т.: «IQTISOD va MOLIYA», 2006. 120 б.

19. Абрамова А.М., Александрова Л.С. Финансы, денежное обращение

и кредит: Учебное пособие.-М.: 2004.- 335с.

20. Дробозина Л.А. «Финансы» М.: «Банки и биржи», 2004. - 431с.

21. Солиев Б., Рустамов Қ., Мустафоев У., Усмонов С. Банк миждозлари фаолиятининг иқтисодий тахлили. Т.: «Фан ва технология» ,2007, 176 б.

22. Муллажанов Ф. Тахрири остида. Ўзбекистон Республикаси банк тизими. тахрири остида.Т,: «Ўзбекистон», 2001.-296 б

23. Норқобилов С. Ва бошқалар. Халқаро амалиёта банк назорати. Т.: «Молия», 2007 й.

24. Интернет материаллари:

- www/cbu.uz

- [www/ tfi.uz](http://www/tfi.uz)

- [www/ bank.uz](http://www/bank.uz)

- [www/ bfa.uz](http://www/bfa.uz)